

МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНЛАРДАГИ ЛИНГВОПОЭТИК ТАЛҚИНИ

Маруфова Зулфия Набиевна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини доценти в.б., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мақолада когнитив тилшуносликнинг лингвокультурология йўналиши, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётининг лингвомаданий жиҳатлари таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: лингвокультурология, маданият ва тил, этник-эстетик қадриятлар, баҳолаш эталони.

Тил мулоқот жараёнида реаллашади. Унинг реаллашуви лисоний жамиятнинг лингвокультурологик имкониятлари, социал хусусиятлар ва прагматик омиллар билан уйғунлашади. Тилшунослик XIX асрда тилларни қиёсий-тарихий ва типологик муаммолари билан шуғулланар экан, уни маданият билан муштарак ҳолда талқин қилади. В.фон Гумбольдт, Г.Штейнтал, К.Фосслер, А.Шлейхер, Х.Пауль, А.А.Потебня асарларнинг марказида тил ва маданият яхлитлиги масаласитурари [1.72].

Лингвокультурология, В.Н.Телия фикрича, “тилдаги маданият омили ва инсондаги тил омилини ўрганишга қаратилган” [2.11]. Айтиш мумкинки, лингвокультурология тилшуносликда антропоцентрик назариянинг сўнгги йилларда тараққий этаётган соҳасидир. Бу фаннинг ўрганиш аспектларига қуйидагилар қиради: инсон олами қандай қабул қилади, маданиятда қўчим ва тимсолларнинг ўрни, тилда асрлар давомида сақланиб турган ибораларнинг маданий белгиларни ифодалашдаги роли, уларнинг инсон учун аҳамияти. Тилни маданий феномен сифатида тадқиқ этиш - олами миллий тил ойнаси ортидан кўриш демакдир. Бу жараёнда тил бутун миллий ички борлиғи билан намоён бўлади. Кўриб турганимиздек, тил маданият билан чамбарчас боғлиқ: у маданиятнинг ичида ривожланади ва маданиятнинг ифодачисидир. Бу ғоя асосида янги илм - лингвокультурология пайдо бўлди. Бу фан XX асрнинг 90-йилларида мустақил соҳа сифатида шаклланди. Рус тилшунослари В.В.Воробёв, В.М.Шаклеин, В.Н.Телия, В.А.Масловаларни бу йўналиш асосчилари дейиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида ҳам лингвокультурология бўйича қатор ишлар бажарилган.

А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилида лингвокультурологик йўналиш”,

Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб”, “Ўхшатишлар - образли тафаккур маҳсули”, Н.Сайдраҳимованинг “Лингвокультурологиянинг илмий асосланишига доир айрим мулоҳазалар”, “Лингвокультурологиянинг компонентлари” номли мақолаларини, Д.Худойберганованинг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” мавзусидаги монографияси, М. Саидова ва У.Қўзиёвларнинг “Лингвокультурология” қўлланмалари, “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”ни лингвокультурологиянинг илмий асосланиши, маданиятнинг тилда акс этиши каби қатор масалаларга қаратилган дастлабки изланишлар сифатида белгилаш мумкин.

“Маданият” лотинча “Солере” сўзидан олинган бўлиб, “ишлов бериш, тарбиялаш, ривожланиш, ҳурмат қилиш, ибодат” маъноларини англатади. XVIII асрдан бошлаб “маданият” атамаси инсон фаолиятининг маҳсули бўлган барча нарсаларга нисбатан қўлланила бошлаган. Инсонлар маълум бир ижтимоий-иқтисодий тузумда яшар эканлар, у ёки бу тилда сўзлашадилар ва улар ўз миллий маънавият ва маданиятига эга бўладилар. “Ҳар бир халқнинг ўз табиати, турмуш шароити, урф-одатлари, маданияти ва санъатида ўзига хослик мавжуд. Уларнинг орзу-ниятлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, лекин ўз миллийлик хусусиятига ҳам эгадир. Ҳар бир инсон ана шу миллийликни акс эттирувчи муайян маданият, тил, тарих, адабиёт, санъатга алоқадор бўлади” [5.112]. Миллий маънавият, уни рўёбга чиқишида муҳим ўрин тутадиган тил маданияти ва нутқ маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари инсонларнинг лисоний когнитив фаолиятида ўз аксини топади. Масалан, қуёшни ёки ойни ҳақидаги қарашларни олайлик. “...баъзи салқин об-ҳаво шароитида яшовчи Европа халқлари (славянлар ва германлар) қуёшни иссиқлик, ардоқлаш ва илтифот белгилари сифатида ижобий баҳолайди. Араб давлатлари маданиятида эса қуёш ёз пайтида уларни қийин аҳволга солувчи жазирама ҳароратга тенглаштириб, салбий баҳоланади. Демак, қуёшни фақат табиат ҳодисаси эмас, балки маданият маҳсули сифатида тушунса бўлади” [3.102]. Шунингдек, О.Аҳмедованинг таъкидлашича, ой ҳам”...руслар онгида қоронғилик, охират билан боғланиб, баъзида ҳаёт-мамот билан (жить «под луной», » в подлунном мире» - ҳамманинг ҳаёти бирдек шароитда кечади) тасаввур қилинса, ой нури бошқа славянларда ҳомиладор ҳамда норасидалар учун ҳавфли, зиён келтирадиган ҳодисага таққосланади. Вьетнамликларда эса бошқа жанубий Осиё халқларидаги каби ойга муносабат тамоман бошқача, яъни улар ой календари бўйича яшашади, махсус нишонланадиган Ой байрами болаларнинг сеvimли байрами ҳисобланади” [3.103]. Ўзбек лингвокультурасида эса қуёш ва ой ёруғлик манбаи бўлишдан ташқари гўзал юз тимсоли. Мумтоз шеърятимизда ёр юзини оппоқлик, нурлилик белгилари орқали ойга ўхшатилса, “гўзаллиги кўзни қамаштирувчи” сифати билан қуёшга қиёсланади. Масалан:

*Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлу юлдуз ниҳон бўлгоч қуёш (Навоий).*

*Ой юзунга кўз солгали ўзга киши бирла
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма (Луфий).*

Баҳо ва сифат категориялари чамбарчас алоқада, уларнинг лисоний воқеланишида мулоқот матнининг миллий–маданий мундарижаси шакл топади. Уларда жамиятнинг маданий–тарихий хусусиятлари, маълум жамоага хос бўлган мулоқот нормаси, этник–эстетик меъёрлар, менталитет, қадриятлар тизими акс топади [4.18]. Масалан, мумтоз адабиётимизнинг аксарият қисми илоҳий ва мажозий ишқни куйлаш, аёл тимсолининг гўзаллигини тасвирлашга бағишланган. Уларда “Гўзаллик”, “Ишқ”, “Садоқат” каби абстракт концептларнинг вербаллашуви жараёнида муайян даврга тегишли ёки доимий миллий маданият, этник–эстетик қадриятлар намоён бўлади. Ш.Сафаров таъбири билан айтганда “Концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқараши ва бошқа турли миллий-маданий белгиларнинг акс топиши муқаррар” [2.56]. Масалан, Луфийнинг қуйидаги байтида “ўзбекона меҳмон кутиш” маданиятига тегишли ҳолатни кузатамиз:

*Эй кўнгул, жонни хаёли олида қил пешкаш,
Ҳар нима бўлса азиз, элтур киши меҳмон сори.*

Яъни, шоир кўнглига ёр хаёли учун жонни беришни буюрар экан, “киши меҳмон олдида уйдаги энг азиз ва тансиқ нарсаларини келтириши лозим” лиги ҳақидаги миллий урф-одатимизни фикрига асос қилади. Ёки Атойининг

*Кўз-юзимни ёшим била ювай сизни кўрарда,
Ким, пок санамга назари пок керактур-*

байтида “покиза нарсага пок назар билан қараш”, яъни поклик, ҳурмат, кадр-қиммат сингари қадриятлар намоёишини кўраамиз. Келтирилган фикр халқимизда мавжуд “уйқудан уйғонганда юзни ювмасдан бировга қарамаслик” ҳақидаги ажойиб тарбиявий одатга бориб тақалади. Маъшуқа таърифидаги мисраларда яна туш таъбири билан боғлиқ миллий хусусиятларни учратамиз:

*Уйқучи бахтим қаро чинини доим туш кўрар,
Ваҳки, таъбир ичра бордур тушта соч кўргон бало (Луфий).*

Мумтоз шеърятимизда ошиқ тимсолига нисбатан “итдай содиқ” эталонини қўллаш анъанаси мавжуд.

*Кўй насиҳат, зоҳидо, ўтлуғ дамимдин ваҳм қил,
Телба ит имкони йўқтурким, согалгай панд ила (Навоий).
Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнутма маҳкам қил —
Ки, водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йитгаймен (Бобур).*

Эталон предметлар, ҳодиса ва объектлар хусусиятлари ҳамда сифатини баҳоловчи моддийликдир. У ижтимоий-руҳий босқичда меъёрий тасаввурни

ифодалайди. У яширин таъсирга эга, танлов ва баҳолашга таъсир қилади. Эталонлар воситасида олам образли ўлчанади [2.73]. Хулоса қилиб айтганда, тил маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, халқнинг маданий ҳаёти тилда акс этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Холмуродова М.И., Прагматик таҳлили ва уларда миллий-ментал омиллар. *Tilshunoslikdagi zamonaviy yo'nalishlar: muammo va yechimlar*. Онлайн халқаро илмий-амалий конференция. Андижон-2020. <http://conference.adu.uz>.
2. Қаранг: Саидова М. Қўзиев У. Лингвокультурология. Наманган-2017.
3. Аҳмедова О.А. Лингвокультурология тилнинг маданий феномени сифатида. *Хорижий филология*. 2019 йил 2-сон.
4. Сулайманова Н.Ж. Олам лисоний манзарасининг баҳоли шаккланиши. *Хорижий филология* №2, 2021 йил 2-сон.
5. Жўраева М. М. Лингвокультурология ва лингвокультурема. *Vuxoro davlat universiteti ilmiy axboroti*. 2019/4 (76).